Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 292 (5883)
20 ДЕКАБРЬ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН ТОШКЕНТДА—ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

«Озиқ-овқат ресурслари исроф бўлмасин!» мавзуидаги ягона сиёсий кун ҳар бир кишига яқин ва тушунарли. Негаки, бу ҳар кунги ҳаётимизга сингиб кетган. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари республикада озиқ-овқат маҳсулотларини жиддий равишда кўпайтиришни долзарб масала қилиб қўймоқда. Айни вақтда уларни тежаб-тергаб сарфлашни ҳам унутмаслигимиз керак. Биз ўйлаб ўтирмасдан керагидан зиёдроқ сотиб олаверамиз-да, эртасига ортиб қолганини бефарқлик билан ташлаб юборамиз. Буфетларда, ошхона ва кафеларда қанчадан-қанча нон беҳуда исроф бўляпти. Озиқ-овқат маҳсулотларини оқилона сарфлаш ҳар биримизнинг ишимиз бўлмоғи керак. Бу жуда муҳим масала бўйича ягона сиёсий кунга тайёргарлик кўришда халқ назоратчилари катта ёрдам кўрсатдилар. Магазинларни, умумий овқатланиш корхоналарини текшириш чоғида бир қатор нуқсонлар аниқланди.

Партия ва хўжалик раҳбарлари, пропагандистлар, «Билим» жамияти аъзолари меҳнат коллективларида сўзга чиқиб, конкрет мисоллар билан биз озиқ-овқат ресурсларини ўстиришда қандай ютуқларга эришганлигимизни кўрсатиб берадилар, нуқсонларни эса аниқлайдилар. Биргаликда муҳокама этиш озиқ-овқат маҳсулотларини оқилона тежаб-тергаб сарфлаш йўлларини белгилаб беради.

Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ошириш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш тўғрисида сўз боради.

— тонгги — газеталарда

● СССР ҳукумати Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессияси 41-(навбатдан ташқари) мажлисининг қатнашчилари шарафига 18 декабрь куни қабул маросими ўтказди.

Самимий, қардошлик вазиятида ўтган қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал қисқача нутқ сўзладилар.

● «Экономиканинг стратегик воситаси» сарлавҳаси остида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлган фан-техника тараққиёти Комплекс программасининг асосий қоидалари эълон қилинган.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

«Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» халқаро ҳаракати америкалик ҳамраиси Б. Лаун билан учрашуви

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 18 декабрь куни Кремлда «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» халқаро ҳаракатининг америкалик ҳамраиси профессор Б. Лаунни қабул қилди. Учрашувда ҳаракатнинг совет ҳамраиси академик Е. И. Чазов қатнашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Б. Лаун ўз сафларида 50 дан ортиқ давлатнинг 145 мингдан кўпроқ врачи ва медицина ходимини бирлаштириб турган ҳаракатнинг фаолияти ҳақида гапириб берди. Ҳаракат ядро урушининг эҳтимол тутилган медицина-биология оқибатларини ўрганиб ҳамда олинган маълумотлардан жамоатчиликни, сиёсий арбобларни ва ҳукуматларни хабардор қилиб, шу тариқа ядро уруши хавфининг олдини олиш ишига муҳим ҳисса қўшмоқда.



Суратда: суҳбат пайти. ТАСС фотоси.

Ҳаракат илгари сурган программа ядро қуролларини кўпайтирмаслик, қисқартириш ва тугатишни, бу қуроллар синовларини тақиқлашни, бу қуролларни биринчи бўлиб ишлатишдан воз кечишни, қуролланиш пойгасини космосга ёймасликни, кенг халқаро тинч ҳамкорликни кўзда тутади.

Б. Лаун кенг халқ оммасини қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро уруши хавфини бартараф этиш проблемаларини муҳокама қилишга жалб этиш ғоят муҳимлигини таъкидлади. Халқларнинг овозига қулоқ солиниши керак, халқларнинг овози ҳукуматларнинг қарорларига таъсир ўтказиши керак.

Б. Лаун СССРнинг тинчлик ташаббусларига ва жумладан, шу йил 6 августда жамики ядровий портлатишларни тўхтатиб қўйишни эълон қилганлигига юқори баҳо берди. Врачлар ҳаракатининг V халқаро конгресси шу йил ёзида М. С. Горбачев ва АҚШ президенти Р. Рейган номига йўллаган мурожаатномада ядровий портлатишларни ана шундай тўхтатиб қўйишга даъват қилинган эди. Ядровий портлатишларни тўхтатиш барча халқларнинг орзу-умидларига мос бўлиб тушади, деди Лаун.

М. С. Горбачев профессор Б. Лаунни ва академик Е. И. Чазовни «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракатига 1985 йилги Нобель Тинчлик мукофоти берилганлиги билан табриклади. Совет Иттифоқида, деди у, бу ҳаракатнинг фаолиятига, унинг ижтимоий салмоқли шифолаш миссиясига зўр ҳурмат ва хайрихоҳлик билан қаралмоқда. Ҳозир дунёдаги урушга қарши ҳаракатда у ҳақли равишда мўътабар ўрин олиб турибди. Медиклар даҳшатли ҳақиқатни очиб бермоқдалар, одамлар аянчли фалокатга йўл қўймаслик учун шу ҳақиқатни билишлари керак. Шу маънода врачлар зиммасига ўз беморларини уларнинг ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган ҳамма офатлардан омон асраш мажбуриятини юклайдиган Гиппократ қасами ядро асрида ҳақиқатдан ҳам янги салмоқ касб этди.

Врачлар халқаро ҳаракати V конгрессининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва АҚШ президенти номига йўллаган мурожаатномаси Ер куррасида яшовчи жамики аҳолини ядровий фалокатнинг кулфатли оқибатларидан омон асрашдек эҳтиросли иштиёқ руҳи билан суғорилган.

Инсон тафаккури тарихий миқёсдаги ўзгаришларни ўз вақтида қамраб олишга ҳамиша ҳам қодир бўлавермайди. Бу — ёппасига ядровий қирғин хавфи ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага жуда яқинлашиб қолган ҳозирги пайтда катта камчилик, айниқса хатарли камчиликдир. Шу боисдан ҳам халқларнинг, халқлар жамоат ташкилотларининг тинчликни ҳимоя қилувчи овози шу кунларда айниқса, катта аҳамият касб этмоқда. Бу — инсоният ўзини-ўзи сақлаб қолишидан иборат ўзига хос ички туйғунинг ифодасидир.

Ядро қуроли ёрдамида дағдаға солиб туришга асосланган тинчлик мўрт тинчликдир. Ердаги ва космосдаги қурол-яроғларни кўпайтириш орқали тинчликни мустаҳкамлаб бўлмайди. Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинликни юмшатиш ҳамда тинчлик ва ўзаро хавфсизлик шароитидаги ҳамкорликдан бошқа ишончлироқ ва самаралироқ моделини ҳали ҳеч ким ихтиро қилгани йўқ. Давлатлар ўртасидаги ҳарбий қарама-қаршилик даражасини пасайтириш шу муносабатларнинг доирасини мустаҳкамлаб, уларга барқарорлик ва пухталик бахш этган бўлур эди.

Биз шунга асосланиб, деди М. С. Горбачев, СССР ва АҚШ раҳбарларининг Женевадаги учрашувига бордик. Шу учрашув давомида Совет—Америка муносабатларини нормаллаштиришга муҳим асос солинди, умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш учун шарт-шароит яратилди.

Аммо биз бошқа бир нарсани ҳам кўриб турибмиз: ўз вақтида Женева учрашувининг ўтказилишини барбод этиш учун кўп куч-ғайрат сарфлаган АҚШдаги реакцион, агрессив кайфиятдаги доиралар ҳозир бу учрашувнинг натижаларига ҳужум қилмоқдалар. Томонлар Женевада аҳдлашиб олган СССР билан муносабатларни нормаллаштиришга, Совет — Америка муносабатларидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қарши кенг кампания авж олдирилди, СССРга, совет кишиларига ишончсизлик ва душманликни кучайтириш учун матбуот пропагандаси, телевидение, кинодан зўр бериб фойдаланмоқдалар. Чамаси, Женевадаги музокараларнинг қатнашчилари халқларимиз ўртасида кўпроқ ҳамжиҳатлик бўлиши кераклигини ёқлаб чиққанликлари АҚШдаги кимларгадир жуда ҳалақит бермоқда. Машъум «қузғунлар» Женева аҳдномаларининг турмушга татбиқ этилишига йўл қўймаслик, олий даражадаги янги Совет—Америка учрашувини барбод қилиш ёки ҳеч бўлмаганда, обрўсизлантириш мақсадини кўзлаётганликлари кўриниб турибди. Афсуски, АҚШ давлат арбобларининг сўнгги ошкора нутқларини ҳам «Женева руҳи» билан қовуштириш қийин.

Совет Иттифоқига келганда, шуни айтиш керакки, унинг сиёсати равшан ва собитқадамдир. Совет Иттифоқи мустаҳкам ўзаро хавфсизлик ва Қўшма Штатлар билан тинч ҳамкорликнинг структурасини қуриш йўлида шу йўлнинг ўзига тегишли қисмини босиб ўтишга розидир. Биз Америка раҳбарларидан ҳам худди шуни кутмоқдамиз. Биз Женевада Қўшма Штатларга қўлимизни узатдик. Биз қурол-яроғларда мусобақа қилишдан қуролсизланишга, муҳолифликдан ҳамкорликка ўтишга тайёрмиз. Врачлар ҳаракатининг яқинда бўлиб ўтган халқаро конгресси шиори «Муҳолифлик эмас, балки ҳамкорлик» деб аталди. Бу шиорга қўшилмасдан бўлмайди. Ҳозирги замондаги ҳамкорлик — цивилизациямиз тараққиётининг ҳам, биргаликда омон қолишимизнинг ҳам зарур шартидир.

Совет Иттифоқи нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилишга, ядро қуролини батамом йўқотишга, ядро қуроли ишлатиладиган уруш хавфининг батамом бартараф этилишига тайёрдир. Биз инсоннинг биринчи галдаги ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини амалда таъминлаш тарафдоримиз. Биз ядро қуролларини ишлаб чиқаришни зудлик билан тўхтатиш, энг самарали назорат остида бундай қуроллар синовини тўла ва муддатсиз тақиқлаб қўйиш тарафдоримиз. Бизнинг ягона шартимиз шуки, бу тадбирларни ҳар иккала томон амалга ошириши керак.

Ялпи ядро қуролсизланиши йўлидаги йирик реал қадам сифатида биз Америка Қўшма Штатларига стратегик ядро аслаҳахоналарини тубдан — 50 процент қисқартиришни таклиф этдик. Равшанки, бунда биринчи зарба космик қуроллари тўла-тўкис тақиқлаб қўйилиши керак, яъни ядро қуролини йўқотиш йўлидаги ҳамма куч-ғайратларни пучга чиқаришга қодир бўлган, қуролланиш пойгасини мислсиз миқёсларда авж олдириб юборадиган «самовий урушлар» программасидан воз кечиш керак. Бунинг натижасида, врачлар ҳаракати мурожаатномасида ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтилганидек, жаҳон миқёсида ядровий можаро хавфи ғоятда кучайган бўлур эди.

Буни ҳозир бутун жаҳон аҳли аслида тушуниб турибди. 151 давлат — АҚШдан ташқари, асосан БМТнинг ҳамма аъзолари куни кеча БМТ Бош Ассамблеясининг космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш ҳақидаги қарори учун овоз бердилар.

М. С. Горбачев ядро қуроли синовларига чек қўйиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди, врачлар ташкилоти ҳам шунга астойдил даъват этиб, уни ишончли асослар билан мустаҳкамламоқда. Совет Иттифоқи шу йил 6 августдан бошлаб барча ядровий портлатишларни тўхтатиб қўйиш ҳақидаги қарори бутун жаҳонда юқори баҳоланди. Шу қадамни қўяр эканмиз, биз эзгу ният билан ярамас йўлни қоралadik — ядро қуролини муттасил такомиллаштиришни тўхтатишга, унинг запасларини аслида «жонсиз» қилиб қўйишга асосландик. Мен бу ҳақда Женевада президент Рейганга ҳам айтган эдим, деди М. С. Горбачев. Минг афсуски, АҚШ ҳануз биздан ибрат олгани йўқ.

М. С. Горбачев Б. Лаунга жавоб бериб бундай деди: биз ядровий портлатишларни тўхтатиш ҳақида СССР қабул қилган қарор муддатини узайтиришга тайёрмиз, бунинг учун Америка Қўшма Штатлари ҳам шунга яраша жавоб бериши лозим. Биз Америка маъмуриятини астойдил ана шунга даъват этамиз. Ядро портлатишларини тўхтатиб қўйишга иккала томоннинг қўшилиши учун ва бу муддатни 1 январдан яна узайтириш учун ҳозирча жуда яхши имконият бор. Ядровий қуролларнинг ҳамма синовларини батамом, шартнома асосида тақиқлаб қўйиш йўлини очадиган ана шу имкониятни қўлдан бой бериш сира ақли расолик бўлмас эди. Бу масалани ҳал этиш АҚШ ҳукуматининг ихтиёридадир.

Профессор Лаун ҳақ: халқлар ядро қуроли синовларини зудлик билан тўхтатиш ва тақиқлашни кутмоқдалар. Куни кеча БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясининг амалда бир овоздан (АҚШ, Англия ва Франция — ана шу уч давлат қарши овоз берди) қабул қилиниши ҳам шундан далолат бермоқда.

Пировардида М. С. Горбачев ҳамсуҳбатларига ва «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракатининг ҳамма қатнашчиларига уларнинг ғоятда муҳим ва олижаноб фаолиятида янгидан янги муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг болаларга аталган товар ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасидаги иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Марказий Комитет Бюроси Енгил саноат министрлиги коллегияси ва министр М. Ҳ. Қурбоновнинг эътиборини аҳолини болаларга аталган товарлар билан таъминлашдаги жиддий камчиликларга қаратди. Савдо корхоналарида қишки ва ёзги кийим-кечак, иссиқ пойабзал, трикотаж ва бошқа буюмлар етишмаяпти. Савдо корхоналарининг буюртмалари 60—80 процент қондирилмоқда. Айни вақтда болалар учун товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган айрим корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Пойабзал ва кийим-кечакнинг анчагина қисми эскирган намуналар ва жўн фасонлар асосида тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Енгил саноат министрлигидан камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўришни талаб қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари қарорларига, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг 1986 — 2000 йилга мўлжалланган Комплекс программасига мувофиқ ўн иккинчи беш йилликда болаларга аталган юқори сифатли товарлар ишлаб чиқаришни камида 1,6 баравар кўпайтиришни, шу товарларнинг сифатини янада яхшилаш ва турларини хилма-хил қилишни таъминлаш лозим.

Раҳбар кадрлар ва инженер-техник ходимларни, ўрта бўғин мутахассисларини, оммавий касб ишчиларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, тармоқ меҳнаткашларига нормал меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб бериш масалалари министрлик коллегиясининг доимо диққат марказида туриши керак.

Министрликнинг бошланғич партия ташкилотига болаларга аталган товарлар ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун коммунистларнинг масъулиятини ошириш, раҳбар органларнинг қарорларини ва ўз қарорларини бажариш устидан таъсирчан контрол ўрнатиш таклиф қилинди. Партия комитетларига болаларга юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш учун енгил саноат корхоналари партия ташкилотларига талабчанликни кучайтириш топширилди.

Ўзбекистон ССР ДОСААФ ташкилотлари ишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қабул этилган қарорида республика ДОСААФ марказий комитетига, маҳаллий партия ва совет органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, министрликлари ва идораларига мудофаа-оммавий иш савиясини ошириш, аҳолини, айниқса ёшларни социалистик Ватан ҳимоясига тайёрлашни такомиллаштириш соҳасидаги конкрет тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинди. Йигит ва қизларнинг ҳарбий иш асосларини ўрганишига, уларнинг ҳарбий техника ихтисосларини эгаллашига, ГТО спорт комплекси нормаларини топширишга, йигитларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга ҳар томонлама тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида «Литературная газета»нинг 1985 йил 18 сентябрь сонида эълон қилинган «Олишув» сарлавҳали мақола муҳокама қилинди. Қарши политехникумининг ўқитувчиси Р. Дилмуродовга нисбатан социалистик қонунчилик қўпол равишда бузилганлиги хусусида мақолада келтирилган фактлар текширишда тасдиқланди. Унинг иқтисодий ва социал турмушдаги камчиликлар, Қашқадарё область айрим раҳбар ходимларининг суиистеъмоллари хусусидаги шикоятлари кўп ҳолларда асоссиз, деб рад қилинган, унинг ўзи эса туҳматчиликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган эди.

Р. Дилмуродовнинг хати Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида юзаки ва ноҳолисона кўриб чиқилганлиги ва хатда келтирилган кўпгина фактларни баҳолашдаги принципсизлик учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Марказий Комитет ҳузуридаги партия комиссиясининг собиқ раиси Ў. Отақуловни ва унинг собиқ ўринбосари Г. В. Насални КПСС сафидан чиқарди.

Республика прокурорининг биринчи ўринбосари бўлган вақтида Р. Дилмуродовни жиноий жавобгарликка тортишга рухсат берган В. А. Зотов партиядан ўчирилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига В. А. Зотовни Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг ўринбосари вазифасидан бўшатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССРнинг собиқ прокурори Н. Б. Бўрихўжаевга КПСС аъзоси учет карточкасига ёзиш шарти билан виговор эълон қилинди, у республика Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг юридик бўлими мудири вазифасидан бўшатилди.

«Совет Ўзбекистони» газетасида «Қора юрак» фельетонини ёзишдаги принципсизлиги, журналистлик одобини қўпол равишда бузганлиги учун Ш. О. Убайдуллаевни Тошкент шаҳар партия комитети ишдан олиб ташлаганлиги ва унга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилганлиги эътиборга олинди. Р. Дилмуродовнинг жиноий ишини текширган Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар билан шуғулланувчи собиқ терговчиси А. Алибоев илгари оғир жиноят қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб, қамоққа олинганлиги ҳам қайд этилди.

Тегишли контролликни таъминламаган, Р. Дилмуродовнинг ишини текширишга расмий, бюрократларча муносабатда бўлган бошқа бир қанча ходимларга принципиал баҳо берилди. Тошкент ва Қашқадарё область партия комитетларига, Тошкент шаҳар партия комитетига, Ўзбекистон ССР Прокуратурасига, Олий судига, Юстиция министрлигига қонунчиликни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларни партиявий ва маъмурий жавобгарликка тортиш масалаларини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси партия комитетларининг ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг эътиборини партия турмушининг ленинча нормаларига, социалистик қонунчиликка жуда қатъий риоя этиш, меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқишга сезгирлик ва эътибор билан муносабатда бўлиш зарурлигига қаратди. Танқидни бўғиш ва танқид учун таъқиб қилиш фактларига принципиал баҳо бериш лозим. Газета ва журналларнинг редакцияларига партиявий матбуот ва журналистлик одоби принципларига оғишмай амал қилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга, совет турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашадиган далил ва исботли материалларни эълон қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республиканинг социал-иқтисодий ривожлантиришнинг, партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг бошқа баъзи масалалари юзасидан қарорлар қабул қилинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР 116-ТОШКЕНТ—ЧИЛОНЗОР САЙЛОВ ОКРУГИДАН ДЕПУТАТИ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ У. Умаровнинг депутатлик ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги шахсий аризаси муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғрисида»ги СССР Қонунининг 10-моддаси асосида Миллатлар Советининг Ўзбекистон ССР 116-Тошкент — Чилонзор сайлов округидан депутати Учқун **Умаров**нинг ваколатлари муддатидан аввал тўхтатилган, деб ҳисоблансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1985 йил 19 декабрь.

РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНЛАРИ

ЧССР савдо министрининг биринчи ўринбосари Франтишек Хвала бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикасининг делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди. Делегация СССР Савдо министрлигининг таклифига биноан мамлакатимизга келган эди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Самарқандга сафар қилдилар, универсал магазинларнинг иши билан танишдилар.

19 декабрь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов ЧССР делегациясини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

СЕНГА МУНТАЗИРМИЗ, КИНОФЕСТИВАЛЬ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивалларининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиори остида яна уч қитъанинг экран усталари Тошкентга йиғиладилар. Кино арбобларининг тўққизинчи учрашуви келгуси йилнинг 20—30 май кунларида ўтказилади. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг 19 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда маълум қилинди.

Мажлисни ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова бошқарди.

Республика министрликлари, идоралари, ижодий союзлари раҳбарларининг анъанавий кино санъати байрамига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги ахборотлари тингланди.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

СЪЕЗДОЛДИ ЗАРБДОР ВАХТАСИДА

ШАХСИЙ ИБРАТ КУЧИ

Ўзбекистон ССР бадиий фондининг Тошкент экспериментал амалий санъат комбинатида Зоир Акромов етакчилик қилаётган бригада катта обрўга эга. Бу коллектив топшириқни муттасил ошириб бажариш, иш сифатининг фақат аъло даражада бўлишини таъминлаш билан шуҳрат қозонган.

— Биз маҳсулотларни катта туркумда тайёрлаймиз,— дейди бригада бошлиғи, — биз бажараётган ишлар бошқа ишчиларнинг меҳнатидан фарқ қилади. Ҳозир қўл меҳнатининг салмоғи анча камайди. Агар аввallари лойни қўл билан қориб, унга қўл билан шакл берган бўлсак, ҳозир бу юмушларни машиналар ёрдамида бажармоқдамиз. Шунга қарамасдан оригинал керамика буюмларини яратишда қўл меҳнатининг роли катта. Энг кичик буюмларни яратиш учун ҳам аввало унинг намуна нусхасини тайёрлаш керак. Кейин эса шакл бериш лозим бўлади. Машина лой қоради, унга шакл беради. Шунга қарамасдан, асосий ишларни инсон бажаради.

Зоир Акромов шахсий намунаси билан коллектив аъзоларини ҳамиша олдинга ундамоқда. Шунинг учун ҳам у етакчилик қилаётган бригада ўн биринчи беш йиллик планини 20 ноябрда бажаришга муваффақ бўлди.

ҒАЛАБАНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида Тошкент тажриба механика экскаватор ремонти заводида 3 миллион 575 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Жуда кўп қўл меҳнати талаб этадиган жараёнлар механизациялаштирилди, илғор тажрибалар оммалаштирилиб, меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги усулларига амал қилинди. Бу қувончли натижаларга олиб келди. Корхона коллективи зиммасига олган беш йиллик топшириқни муддатидан олдин бажаришга муваффақ бўлди.

Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 350 та экскаватор, 7575 та дизель сифатли ремонтдан чиқарилди. Мелиораторлар учун зарур бўлган 3632 та вагон-уй тайёрланиб, турли хўжаликларга жўнатилди. Шунингдек, 46,8 минг сўмлик металл конструкциялари ва бошқа буюмлар тайёрланди.

КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилаётган корхона коллективи йил охирига қадар беш йиллик планга қўшимча бир миллион 555 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган эди. Бу марра ҳам эгалланиш арафасида турибди.

ТЎПЛАМ БОСИЛИБ ЧИҚДИ

Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Социалистик Эфиопия Муваққат Ҳарбий Маъмурий Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариамнинг 1985 йил 31 октябрдан 9 ноябргача СССРга қилган визити тўғрисидаги материаллар ва ҳужжатлар тўплами босмадан чиқди.

Тўпламга М. С. Горбачев ва Менгисту Хайле Мариам ўртоқларнинг нутқлари, Совет—Эфиопия қўшма ахбороти ва бошқа материаллар киритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

КПССНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР БИЛАН ПАРТИЯ УСТАВИ, СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ВА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА.

• Электр энергиясини оқилона сарфлайлик

РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида ўн иккинчи беш йилликда 200—230 миллион тонна шартли ёнилғини тежаб қолиш кўрсатилган. Маълумки, мамлакатда қазиб олинаётган ёнилғининг асосий қисми электр энергияси ишлаб чиқариш учун сарфланади. Шу боисдан ҳам электр энергиясини тежаш бир вақтнинг ўзида қазиб чиқарилаётган қимматбаҳо хом ашёни тежаш деган маънони ҳам билдиради.

Ёнилғи- энергетика ресурсларини нималар ҳисобига тежашни кўпайтириш мумкин?

Ёнилғи-энергетика сарфи нормаси белгиланаётган пайтда маълум бир даврда амалга ошириладиган ташкилий-техник тадбирлар ҳам ҳисобга олиниши керак. Бу бошқариш соҳасига ҳам, ишлаб чиқаришга ҳам бевосита тааллуқлидир. Бунда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш билан бирга ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ҳам муҳимдир. Айни пайтда ишлаб чиқаришда ёнилғи ва энергиядан фойдаланишни яхшилашга, кам энергия талаб қиладиган материал ва хом ашё ишлаб чиқаришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш лозим.

Бу тадбирлар саноат корхоналари ва ташкилотлар томонидан қандай бажариляпти? Текшириш пайтида шу нарса маълум бўлдики, Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг қатор корхоналари, ёнилғи ва электр энергияси сарфини камайтиришда ўзига хос ташаббускорлик кўрсатишмаяпти. Бош бошқарма томонидан 1981—1985 йиллар давомида тайёрланган ҳар бир буюм учун сарфланадиган электр энергияси нормаси бир хил белгиланди. 6-темир-бетон буюмлари заводи, 1-уйсозлик комбинати, 8-темир-бетон буюмлари заводи, Сергели қурилиш материаллари, керамзит заводларида энергия сарфини камайтиришда ўзгариш бўлмади. Ваҳоланки, норма белгиланаётганда 1980 йилда эришилган натижа ва ўтган йилнинг кўрсаткичлари ҳисобга олиниб, энергия сарфини статистика усули билан ишлаб чиқиш лозим эди.

Аслида нима бўляпти? Айтайлик, 1-уйсозлик комбинатининг 1-йирик панелли уйсозлик заводида темир-бетон буюмларини ишлаб чиқариш учун ўтган йилги эришилган энергия сарфи ҳисобга олинмади. Натижада энергия сарфининг 4,5 процентга кўп сарфланиши норма қилиб белгиланди. Бу 1980 йилдагидан 8 процент кўп демакдир.

Керамзит заводида ҳам худди шундай воқеа юз берди. Бу ерда керамзит шағал ишлаб чиқаришга сарфланадиган электр энергияси сарфи 1982 йилдагига нисбатан 8,3 процентга кўп белгиланди, яъни ўтган йилдаги энергия сарфига қараганда 0,3 процент кўпайди. «Промэнерго» корхоналарида ҳам 1985 йилда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар учун энергия сарфининг нормаси 1984 йилдаги эришилган натижалардан кўп белгиланди.

Булар электр энергияси сарфи нормаси белгиланаётган пайтда аввалги йиллар эришилган натижалар ҳисобга олинмаётганлиги, ёнилғи ва иссиқлик, энергетика ресурсларни тежаш бўйича белгиланган ташкилий-техник тадбирлар плани ҳисобга олинмаётганлигидан далолатдир. Бу ўз навбатида корхоналарни электр энергияси сарфини кўпайтириб юборишларига олиб келмоқда. Оқибатда аввалги йиллардаги эришилган натижалар яхшиланиши ўрнига электр энергиясини қўшимча сарфланишига йўл қўйилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бир хил технологик ускуналар билан бир хил маҳсулот тайёрлашга ўхшаш корхоналарда турли миқдорда электр энергияси сарфланишига йўл қўйилмоқда. Жумладан, 3-йирик панелли уйсозлик заводида бир куб метр темир-бетон ва қоришма ишлаб чиқариш учун 3,15 киловатт-соат электр энергияси сарфланиши, 9-темир-бетон буюмлари заводида эса 6,37 киловатт соат энергия норма қилиб белгиланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Норманинг бундай белгиланишини қандай тушуниш мумкин? Кейинги йилларда жойларда кам энергия истеъмол қиладиган илғор технологияни жорий қилишга катта эътибор берилмоқда. Шунга қарамасдан айрим корхоналарда эскирган ускуналарни алмаштиришга шошилишаётганлари йўқ. Ваҳоланки, ана шу корхоналарда ускуналарни алмаштириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар плани белгиланган.

«Промстройкомплект» бирлашмаси корхоналарида оммавий агитация-пропаганда ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Бу ерда электр энергиясидан самарали фойдаланишга ёрдам бериш комиссиясининг иши яхши эмас. Комиссия халқ контроли группаси билан ҳамкорликда электр энергиясидан тежамли фойдаланиш бўйича рейдлар ўтказмаяпти, айбдорларга маъмурий чора кўрмаяпти.

Керамзит заводи, «Промэнерго» корхоналарида ва бошқа ташкилотларда иссиқлик ва энергетика ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланишга ундовчи шиор ва плакатлар мутлақо йўқ.

Яна бир нарсага эътиборни қаратиш керак. Корхоналарнинг масъул ходимлари электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлашда ноаниқликларга йўл қўйишмоқда. Қўйлиқдаги қурилиш материаллари заводи (директори Н. Феодориди), 4-йирик панелли уйсозлик заводи (директори В. Жамолов) ва бошқа корхоналарда ана шундай камчиликлар мавжуд. Бу охир-оқибатда кўрсаткичларни нотўғри белгилаб, тежалган энергия ҳақида хулоса чиқаришни қийинлаштирмоқда.

Бунинг устига электр энергиясини тежаш резервларидан фойдаланилмаётган ҳоллар ҳам мавжуд. Масалан, «Промэнерго» корхоналарида ҳар бештадан битта пайвандлаш трансформаторига энергияни тежашга хизмат қиладиган мослама ўрнатилган. Ваҳоланки, энергияни тежаш мосламасини ўрнатиш туфайли 20 процент энергияни тежаб қолиш мумкин.

«Жилстрой» трестининг 3-йирик панелли уйсозлик заводида пайвандлаш аппаратини такомиллаштириш туфайли аппаратнинг меҳнат унумдорлигини икки марта ошириш мумкин. Бу ўз вақтида йилига 51,8 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолишга шароит яратади.

Текшириш пайтида электр энергиясини исроф қилиш фактларига ҳам дуч келинмоқда. Масалан, 4-темир бетон буюмлари заводида (механик Ю. Козлов участкасида) тушки овқат пайтида пайвандлаш трансформатори ишлаб турган. «Отделстрой» трестининг қурилиш материаллари комбинатида эса тушки овқат пайтида ёритиш мосламалари бутунлай ўчирилмайди. «Жилстрой» трестининг 3-йирик панелли уйсозлик заводи бетон қориш цехининг механиги Я. Худойбердиев тушки овқат пайтида электр ускуналарини бутунлай ўчирмайди. Бу корхоналар электр энергиясини исроф қилганлиги учун жазоланган бўлишларига қарамасдан, ҳамон нуқсонларга йўл қўйишмоқда.

Ишнинг манфаати корхона раҳбарлари, бош мутахассислар билан ҳамкорликда тежамли ускуналарни моделлаштириш ва жорий этиш, кўп энергия сарф қиладиган ускуналарни реконструкция қилиш бўйича тадбирлар планини ишлаб чиқишлари лозим.

Буларнинг ҳаммаси электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланадиган ёнилғи сарфини камайтиришга, тежамкорлик бўйича белгиланган планларнинг бажарилишига шароит яратади.

Т. ЧАНДАРЕВА,
«Узгосэнергонадзор» инспектори.

• Фан ва техника оламида

ҚАНДАЙ АВТОМОБИЛЬ АФЗАЛ?

Автомобилнинг дунёга келиши ўтган асрда инсоният яратган энг машҳур техник ихтиролардан бири бўлди десак муболаға бўлмайди. «Ҳамма ихтиролар орасида, — деб ёзган эди инглиз тарихчиси ва файласуфи Т. Маколей,— алифбе ва китоб нашр этишдан мустасно, масофани қисқартирадиган ихтиролар инсоният учун энг кўп фойда келтирди». У ниҳоятда катта тезлик билан кўпая бошлади. Асримизнинг биринчи йилида бутун дунёда 11 минг автомобиль бўлса, ҳозир уларнинг сони 350 миллионга яқинлашиб қолди. Асримизнинг охирига бориб, ер юзидаги машиналар сони 750 миллионга етиши кутилмоқда. Бу бор-йўғи бир аср мобайнида дунё автомобиллари сони тахминан 70 минг марта ортади, демакдир!

Узоқни яқин қилаётган автомобилнинг аҳамияти беқиёс, албатта. Аммо бунинг бир нохуш жиҳати бор. У ҳам бўлса автомобиль чиқинди газларининг ҳавони ифлослашидир. Ҳисоботларга қараганда, дунё автомобиль парки бир йилда атмосферага 100 миллион тоннадан ортиқ углерод, 10 миллион тонна олтингугурт оксиди ҳамда миллион тоннага яқин қурум ва турли хил альдегидлар чиқаради.

Қурум босган ҳаво туфайли 1952 йили бир неча кунда 4000 дан ортиқ лондонлик ҳалок бўлди. 1963 йили Нью-Йоркда ҳам қуюқ қора туман шаҳар устига ёпирилиб, 400 дан кўпроқ кишининг ёстиғини қуритган. АҚШ олимларининг ҳисоблари шуни кўрсатадики, иккинчи жаҳон урушидан кейин Нью-Йоркда туғилган киши шундай миқдордаги заҳарли газлар билан нафас олишга мажбур эканки, бу — бир умр ҳар куни 9 та сигарет чекиш зарарига тенг келаркан.

Хўш, автомобиль вужудга келтирган бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Дунё олимлари «ифлос» бензинли машиналар ўрнига қандай «тоза», янги автомобилларни таклиф этишмоқда?

Ҳозир олимлар атмосферани ифлосламайдиган ёки нисбатан камроқ ифлослайдиган автомобиль двигателларининг йигирмадан зиёд тури устида иш олиб боряптилар. Шулардан бири суюлтирилган газ ёқилғисида ишлайдиган автомобилдир. Республикамизда мазкур йўналишда кўпгина ишлар қилиняпти.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти олимлари ҳамкорлигида республикамиз автомобиль корхоналарида ўтказилган амалий тажрибадан шу нарса маълум бўлдики, биринчидан, газомобиль чиқинди газидаги заҳарли моддаларнинг миқдори бензинли автомобиллардагига нисбатан 3—4 марта кам. Газомобилнинг капитал ремонтгача хизмат қилиш муддати одатдаги автомобилларникига қараганда етарлича кўп.

Учинчидан, газ баллонли автомобилнинг ёқилғиси арзон. Ўзбекистон шароитида суюлтирилган газга ўтказилган ҳар бир автомобиль фақат ёқилғининг ўзидангина 360 сўм маблағ тежамоқда.

Бундай автомобилларга ўтиш, аввало, шаҳар ҳавосини тозалаш ва аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги ғамхўрликнинг амалий натижаси бўлди. Тошкент тажрибасидан мамлакатимиздаги бошқа йирик шаҳарларда ҳам фойдаланилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, 80-йиллар охирига келиб бензинли автомобиль ўз ўрнини секин-аста бошқа хил двигателлар билан жиҳозланган янги машиналарга бўшатиб беради. Бундай двигателларга мисол қилиб, Ванкелнинг роторли двигатели, газ турбинаси, буғ двигатели, Стирлинг мотори кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Кейинроқ бориб, уларнинг ўрнини ҳам электромоторлар эгаллайди.

Яна шуни эслатиб ўтиш керакки, Ванкелнинг роторли двигателидан ташқари қолган ҳамма двигателлар ўтган асрдаёқ маълум эди. Қарийб юз йилдан буён мутахассислар бу двигателларни такомиллаштириш билан банд. Бироқ, уларнинг қайси бири келажак двигатели бўла олади, деган баҳс ҳануз ажрим бўлмаётир.

Шундай экан, бу изланишларни давом эттиришга ҳожат борми, деган саволга жавоб берайлик. Шубҳасиз. Ахир буларнинг ҳаммаси шаҳар ҳавосини тозалаш ва кишилар саломатлигини сақлаш учун қилинмоқда. Барча шаҳарлардаги ҳаракат воситалари биз нафас олаётган ҳавони ифлосламасдан кишиларга хизмат қиладиган кун воқеликдан узоқ эмас.

Ш. ИБРОҲИМОВ.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ХАТЛАР

КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада «Компрессор» заводи ишчилари фаол иштирок этмоқда. Корхонада ташкил этилган съездолди мусобақасида илғор йиғувчи Владимир Константинович Дриндин байроқдорлик қилиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир. Заводда 15 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келаётган илғор ишчи йиллар ўтиши билан ўз касбини пухта эгаллади. Айни кунларда фидокорона меҳнат қилаётган коммунистик меҳнат зарбдори смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб келяпти.

СУРАТДА: В. Дриндин. — В. Сироткин фотоси.

• Маҳаллада нима гап?

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Акмал Икромов районидаги 109-мактабда ташкил этилган ота-оналар университети мунтазам ишлаб турибди.

Яқинда ўтказилган навбатдаги машғулот «Инсон одоби билан гўзал» деб аталди.

Бунда «Бекобод», «Октябрь самараси», Ульянов ва Фурқат номли маҳаллалар аҳолиси қатнашди.

Университет тингловчилари филология фанлари кандидати Ғани Жаҳонгировнинг «Ота-оналарнинг ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашдаги вазифаси» деган мавзудаги суҳбатини тингладилар.

Шундан сўнг кекса педагог, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Аъзамхон Рустамовнинг «Ибрат бўлиш тарбиянинг муҳим омили», республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Собир Юнусовнинг «Келин-куёв бурчи, қайнона-қайнота вазифаси» мавзуларидаги суҳбати тингланди.

Кеча охирида Абдулла Қаҳҳор номли район маданият уйининг ҳаваскорлари концерт беришди.

С. ҒАФУРОВ.

• Газетхон мулоҳазаси

ШАҲРИМИЗ ОРАСТА БЎЛСИН

Шаҳримиз фахрлансак арзийдиган даражада гўзал. Лекин биз шу гўзалликни лозим даражада асраяпмизми? Менимча, йўқ. Чунончи, куни кеча автобус бекатида рўй берган воқеа мени ғоят ранжитди.

Бекатда бошқа йўловчилар қатори икки йигитча турарди. Уларнинг бошқалардан фарқи — писта чақиб, пўчоғини оёқ остига ташлашда эди. Мен уларни тартибга чақирган эдим «Амаки, йўлингиздан қолманг, фаррошга ҳам иш керак», деди бири. Иккинчиси «Пўчоқларни ёмғир ювиб кетади», деди безрайиб.

Бу биз тез-тез кўчада, жамоат жойларида кузатадиган хунук кўринишлардан биридир. Гапнинг очиғини айтганда, шаҳримизнинг равон кўчалари, кўркам хиёбонларининг озодалиги, саришталиги барча ҳамшаҳарларимизга, қолаверса юқоридаги икки йигитчага боғлиқ эмасми?!

Афсуски, ўз шаҳрининг чиройига доғ тушираётганлар орамизда учраб турибди. Бекатда ахлат идиши турибди, дейлик, Бамисоли у хўжакўрсинга қўйилган. Кашанда ҳавони заҳарлагани етмагандай, сигарета қолдиғини хоҳлаган томонига чертиб юборади ёки оёқ остига ирғитиб, эзиб ташлайди. Ундан нарироқда бир чайқовчи бозор қолиб, бекатда писта сотаётган бўлади. Айрим йўловчилар ундан сотиб олиб, юқоридаги йигитчалар каби писта пўчоғини оёқ остига ташлайверадилар. Шу сабабли бекатларимиз кўпинча ифлос бўлади.

Келинг, шаҳримиз озодалигига ҳаммамиз ҳиссамизни қўшайлик. Аввало, йўловчи сифатида маданиятли бўлайлик. Фикримча, санитария-эпидемиология хизмати ва санитария милицияси ходимлари шаҳарни сигарета қолдиқлари ҳамда писта пўчоқлари билан ифлослантирувчиларга қарши ҳам кураш олиб бормоқлари лозим. Бу ишдан кенг жамоатчилик ҳам четда қолмаслиги керак. Чунки, шаҳримиз орасталигини сақлаш барчанинг ишидир.

А. АСИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институтининг ходими.

„БИЗНИНГ КВАРТИРА: ИҚТИСОД РЕЗЕРВЛАРИ" — АКС-САДО

• «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» 1985 ЙИЛ, 5 НОЯБРЬ

Энергия ресурсларини асранг

Газетамизда «Узгосэнергонадзор» корхонаси назоратчиларининг турмушда ва уй-жой секторида энергия ресурсларини тежаш ҳақидаги очиқ хати эълон қилинганига бир ойдан кўпроқ вақт ўтди.

Уларнинг: «Ҳар бир оила кам деганда 5 процент электр энергиясини тежашга эришсин!» шиорини республикамиз пойтахтидаги жуда кўп кишилар қўллаб-қувватлашди. Редакцияга келаётган хатлар бундан далолат бермоқда. Тошкентликлар электр ускуналари, телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитафонлардан зарур бўлган вақтларидагина фойдаланяптилар. Чироқлар, қандиллардан фойдаланишга катта эътибор беріляпти.

— «Оқшом»да эълон қилинган энергияни тежаш тўғрисидаги мақола мен учун жуда зарур қўлланма бўлди, — деб ёзади Д. Айрумова.—Электр энергияси сарфи учун тўланадиган абонент дафтарчамни олдим. Ўтган йили декабрь ойида 130 киловатт-соат ишлатган эканмиз. Бу йил бу рақам анча камайди».

— Ўз энергия хўжалигимизни тафтиш қилиб чиқдик, — деб ёзади 1-Қўйлиқ массиви истиқомат қилаётган Р. Азимова. — 100 ваттли лампочкани 60 ваттлисига, 60 ваттлисини эса 40 ваттли лампочкага алмаштирдик, — деб ёзади В. Кондрашева. — Холодильникнинг ичидаги муз қатламини кузатиб бормоқдаман. У энергия сарфини 20 процентга ошириб юборар экан. Ҳар икки ҳафтада холодильникни тозалаб турибман.

Уйдан кетаётганингизда чироқни ўчиринг! Бу жуда содда даъватда катта маъно бор. У 2 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган шаҳар учун катта самара беради, — дейди «Узгосэнергонадзор» ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Л. Евдокимов. — Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда фақат ноябрь ойининг ўзида турмушда 600 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Шундай қилиб, шаҳар миқёсида тежамкорлик бўйича дастлабки натижага эришилди.

Тошкент шаҳар турар жой бошқармасига қарашли 17 ва 47-ЖЭУларда турмушда электр энергиясини тежаш бўйича яхши ишлар амалга оширилмоқда. Бу жойларда ўтказилган ишлаб чиқариш йиғилишларида электр ва иссиқлик энергиясини тежаш бўйича тадбирлар белгиланди. Аҳолига ёритиш воситалари, рўзғор техникасидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланишни тушунтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Санитария-техника мосламалари, электр симлари тез-тез текшириб турилибди. Тошкент шаҳар партия комитети томонидан маъқулланган ташаббус бошқа турар жой бошқармалари ва идоралари томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Муҳими шундаки, тошкентлик энергетикларнинг даъвати фақат турмушдагина эмас, ишлаб чиқаришда ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Саноат корхоналарининг ишчилари ва мутахассислари тежамкорликнинг янги резервларини топиб ишга солмоқдалар. Электр энергиясидан тежамли фойдаланиш учун юриш давом этмоқда.

КУНДУЗИ ЁНАЁТГАН ЧИРОҚЛАР

«Узгосэнергонадзор» назоратчиларининг ноябрь ойида газетада эълон қилинган очиқ хати жуда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг ёзишига қараганда 5 процент тежалган электр энергияси Тошкент метрополитенининг уч ой давомида ишлашига етади. Бу мени жуда ўйлантириб қўйди. Нима учун метрополитен ходимлари электр энергиясини тежашга аҳамият беришмаяпти? Яқинда мен «Известия» газетасида Тбилиси метросида эскалаторлар автомат мосламалар билан жиҳозланганлигини ўқидим. Яъни пассажирлар йўқ вақтида автомат эскалаторни ўчириб қўяди. Бу кўп миқдорда электр энергиясини тежаб қолишга ёрдам беради.

Тошкент метрополитенида эса эскалаторлар тинимсиз ишлаб туради. Бош универсал магазини, Марказий универсал магазини, Халқлар дўстлиги саройида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

Яна бир нарса. Метронинг ҳамма станцияларида пассажирлар оқими кам бўлган пайтларда ҳам кучли қувватга эга бўлган лампочкалар ёниб туради. Бу жойларда ҳам ёритишни тартибга солса бўладику.

Ўйлайманки, Тбилиси метрополитени тажрибасини бизда ҳам қўлласа бўлади.

А. ГЕККЕЛЬМАН,
меҳнат ветерани.

• ҲАММАМИЗНИНГ ВА ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

ЭЪТИБОР КЕРАК

«Узгосэнергонадзор» мутахассисларининг очиқ хати тежамкорлик бўйича яхши ҳаракатни бошлаб берди. Кўпчилик оилалар электр энергиясига тежамли муносабатда бўлишмоқда. Ҳозир мен ҳам телевизорнинг ишлашини қатъий назорат қилиб боряпман. Уй юмушлари билан банд бўлган пайтларимда уни ўчириб қўйяпман. Чунки, кўрсатувни узуқ-юлуқ кўрмаган яхши. Учта лампочка ўрнатилган қандилдаги битта лампочкани олиб қўйдим.

И. СЕРЕГИНА.

• ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

ЎРГАНСАК АРЗИЙДИ

Матбуотда турмушда электр энергиясини тежаш, уларни ўғирлаётганларга кўрилаётган жазолар ҳақида кўп ёзилаётганлиги жуда яхши. Бу катта ва жиддий мавзудир. Мени ҳамиша электр энергиясини ҳисобга олмай сарфлаш ҳаяжонлантириб келади. Назаримда шаҳримиздаги меъморлар ва қурувчилар биноларнинг қуёш тўсқич мосламалари билан жиҳозлашга ўта катта аҳамият беришмоқда. Содда қилиб айтганда, улар биноларга тушадиган қуёш нурини тўсиб қўйишяпти. Шунинг учун ҳам куппа-кундузи биноларда қандил ва турли хил чироқлар ёниб турганини кўрасиз. Ноўрин сарфланаётган бу электр энергияси ҳисоблаб чиқилса юзлаб минг киловатт-соатга етади.

Шундай экан, архитектор ва қурувчилар йирик биноларнинг лойиҳасини тузаётганда ва тиклаётганда уларни ўта катта қуёш тўсқич мосламалари билан жиҳозлаш планларини қайта кўриб чиқиш вақти етмадимикан?

Т. ГРЕЧКИНА.

• Турли касб эгалари

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Ҳаётда касбнинг турлари кўп. Унинг қайси бирида ишлашингиздан қатъий назар, меҳр қўйсангиз камол топасиз, эл таҳсинига сазовор бўласиз. Биз ўз касбини севган, уни ардоқлаётган Насрулла ота Файзиев бошлиқ гўзаллик яратувчилар сулоласи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Насрулла ота 50 йилдан бери сартарошлик қилиб келади. 1947 йилда биринчи категорияли сартарош деган номга сазовор бўлган отахон ҳозир 80 ёшга тўлган бўлса ҳам тетик ва бардам, ёшларга мураббийлик қилмоқда. Бугунги кунда Насрулла ота Фрунзе районидаги Абдулла Авлоний номли маҳаллада жойлашган сартарошхонада хизмат қилиб, шогирдлар етиштирмоқда.

50 йиллик хизмати давомида 100 га яқин етук ва малакали шогирдлар етиштириб чиқарди. Отахоннинг фарзандлари Лутфулла ва Абдуллажон, Нуриллалар Шота Руставели кўчасида жойлашган маиший хизмат уйининг сартарошхонасида аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Лутфулла ва Абдуллажонларга 2-Бутуниттифоқ сартарошлар кўрик-конкурсида юксак баҳо берилди, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Муҳаммадамин Ишчилар шаҳарчасидаги 142-сартарошхонада хизмат қилади. У ўзининг чаққонлиги ва хушмуомалалиги билан барча мижозларини мамнун этмоқда. Ниғматилла эса В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли касалхонадаги сартарошхонада бир неча йилдан бери ишлаб келмоқда. Бу гўзаллик яратувчилар сулоласидан барча ҳамшаҳарларимиз хурсанд бўлишмоқда.

— Меҳнат қилган кам бўлмайди,— дейди биз билан суҳбатда Насрулла ота. Мана, фарзандларимнинг ҳаммаси менинг касбимни эгаллашган, кам бўлишаётгани йўқ, эл олқишига сазовор бўлишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Инсонларни ўйлаб, уларнинг хизматини бажо келтирадиганлар ҳамиша эл олқишига сазовор бўлишади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

• Бир мавзуда уч хат

Баллонли газ кутиб...

Октябрь район газ билан таъминлаш идорасидагилар буюртмамизни 15—20 кун ичида бажаришга одатланиб қолишди. Олиб келаётган газлари 10 кунга зўрға етади. Олдинлари 25 кун ишлатардик. Газ ташувчилар баллонли газни беш сўмдан сотишяпти, деган шов-шув гаплар ҳам тарқалди. Буларнинг ҳаммасига район газ билан таъминлаш идорасининг раҳбарлари айбдор. Чунки у ерда хизмат кўрсатувчи ходимлар тартиб-интизомни билишмайди.

Бунга мисол тариқасида 22 ноябрь куни газ идорасига телефон қилганимни айтай.

— Газни қачон юборасизлар? —деб сўрасам—«Ҳозир машина йўқ, олиб боришар», дейишди. Лекин икки ҳафта ўтдики, ҳалигача олиб келишгани йўқ. Кунлар анча совиб қолди. Уйимизда ёш болалар бор. Ишдан кеч соат еттиларда қайтиб, ўтинда овқат пиширгунимча алламаҳал бўлиб кетади.

Партия ва ҳукуматимиз халқ фаровонлигини янада яхшилаш учун барча чора-тадбирларни кўришяпти. Лекин афсуски, Октябрь райгазига ўхшаш баъзи идорадагилар айби билан аҳоли қийналмоқда. Бу ерда тартиб-интизом ўрнатиладими!

А. УСМОНОВ,
Сойбўйи кўчаси, 30-уй.

•

25 октябрда Октябрь райгазига қўнғироқ қилиб, баллонли газ юборишларини илтимос қилдим. Рад этишмади. Душанба куни, 28 ноябрда боради, кутинг деб жавоб қилишди. Шундан кейин 5 декабргача кутдим. Ҳеч қандай натижа бўлмади.

Кўчага газ олиб келадиган йигитлардан сўрасам «Сиз рўйхатда йўқсиз», дейишди. Шундан кейин газ идорасига бордим. Суриштириб билсам менинг 2336 рақамли карточкам буюртма бермаган хонадонлар карточкаси орасида ётган экан. У ердаги қизлар ўзларининг оқламоқчи бўлишиб «Ҳалигача газ олганингиз йўқми!» дейишди кулишиб. Уларнинг бу саволига ўласизми, куласизми. Мен газ олган бўлсам у ерда нима қиламан!

Бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ниҳоятда паст. Октябрь райгази раҳбарлари қачонгача кўр-кўрона иш тутадилар!

А. МУҲАМЕДОВА,
Қоратош кўча, Ширинқудуқ тупиги.

•

Газга ўрганганингдан кейин ўтинда олов ёқиб овқат пишириш анча малол келар экан. Айниқса, ишдан чарчаб келганингда. Начора, бошга тушганни кўз кўрар деганларидек мана бир неча кундан бери уйимизда баллонли газ йўқлиги учун ўтинда овқат пиширмоқдамиз.

23 ноябрь куни Октябрь райгазига бориб газ учун буюртма бердим. 3 декабрда боради дейишди. Келмади. Лекин ён атрофимдаги қўшниларимга баллонли газ олиб келишди. Газ идорасига қўнғироқ қилсам «Эртага олиб боради» дейишиб, яна ваъда беришди. Лекин ҳалигача олиб келишгани йўқ.

Кейинги пайтларда газ олиб келувчилар давлат чиқарган 2 сўмлик квитанцияни тан олмайдиган бўлиб қолишди. Газ ташлаб кетишса 3 сўм беришингиз ёки бўлмаса 2 сўмлик квитанция ёнига 1 сўм қўшиб беришингиз керак. Бўлмаса худди менга ўхшаб ҳафталаб газсиз ўтираверасиз. Бундай тартибсизлик қачонгача давом этади!

О. ОЛИМОВ,
Ўзгариш кўчаси, Машҳур проезди 32- уй.



Изланишлар, кашфиётлар

Нур, ишлайвер!

Ленинграднинг вибрация ва магнит майдонлари бўлган саноат корхоналаридан йироқдаги Крестовский оролида Бутуниттифоқ илмий пригорсозлик институтининг ходимлари квант генераторлари ёрдами билан бир қанча оригинал тадқиқотларни бошладилар.

...Лазер ишга солинди. Линзалар воситасида бир неча марта синдирилган ва кўзгулар орқали акс эттирилган қизил нур аниқ нишонга йўналтирилди. Квантлар оқими стендга маҳкамланган металл деталь юзини «пайпаслаб чиқади». Деталнинг ички тузилиши шу тахлитда ўрганилмоқда. Детални бузмасдан шундай назорат қилиш методи ғоят пухта бўлиши талаб этиладиган маҳсулотнинг сифатини текшириб кўришга имкон беради.

Лазер техникаси шундай даражага эришдики, масалан бирон ашёга турли нуқталардан йўналтирилган бир неча нур шу ашёнинг ҳажмий тасвирини вужудга келтиришга имкон беради. Мана шу метод билан голографик пластинага кўлданкўп маълумотларни ёзиб чиқиш мумкин. Почта юборсидек келадиган кичик бир сиртга катта совет энциклопедияси ўттизта томининг тексти жойлашади. СССР Фанлар академияси Ленинград ядро физикаси институтида ана шундай мажмуа яратилмоқда.

Квант оқимларининг бошқа бир хусусияти ҳам ноёб—улар худди зўлдир чақмоққа ўхшаш газларни ўзига тортиб ваккум ҳосил қилади. Мутахассислар бу нарса ўзига хос вакуум кабеллар яратиш имкониятини очади, деб ҳисобламоқдалар. Электр энергияси бундай кабеллар орқали симсиз юборилади. Бугунги кунда лазер техникасининг муъжизаларига кишилар кўникиб бормоқдалар. Ҳолбуки, оптик квант — генераторларни яратувчилардан яна бири академик А. Прохоров 2000 йилга бориб, лазерлар техникамизнинг асосий асбобларидан бири бўлиб қолади, деганида кўп кишиларга бу гап муболаға бўлиб туюлганди. Шундан бери атиги йигирма йилдан сал кўпроқ вақт ўтди, холос.

Ҳозир масалан Ленинграддаги электр пайвандлаш машина-ускуналари институтининг ходимлари пўлат листни кесадиган, порошок югуртирадиган, пайвандлайдиган, термик ишлов берадиган лазер установкаларини яратдилар. Оператор кнопкани босса кифоя—линза автомат тарзда алмаштирилади ва энергия концентрацияси вольта ёйига нисбатан минг баравар ғужроқ нур янги бир «касбли» бўлиб қолади.

Уларнинг ҳаммаси тинч бунёдкорлик нурларидир. Океан ортида космик орбитага чиқариладиган лазер қуролини яратиш ғоялари амалга оширилаётган бўлса совет мутахассислари лазердан тинч саноат мақсадларида фойдаланаяптилар. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Асосий йўналишларининг лойиҳасида шу ишнинг муҳимлиги таъкидланган.

Ю. ВОРОБЬЕВСКИЙ,
ТАСС мухбири.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биохимия институти ходимлари бир қатор илмий ишларни муваффақиятли олиб боришмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга) инженер Жамолиддин Азизов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати кичик илмий ходим Холида Каримова ва лаборатория мудири, профессор Тўлқин Бобоевлар илмий кузатишлар борасида ўзаро фикр алмашишмоқда.

Комета даракчилари

СССР Фанлар академиясининг Қрим астрофизика обсерваториясида Галлей кометасининг физик табиати тўғрисида муҳим бир ахборот олинди. Ҳозир „ҳут буржи бўйлаб ҳаракат қилаётган самовий жисм турли телескоплар ёрдамида кузатилмоқда.

— Кометага бўлган қизиқишнинг ортганлиги у қуёш сари камдан-кам яқинлашуви сабабидангина эмас, — деди обсерваториянинг илмий секретари В. Можжерин. — Ҳозирги тасаввурларга кўра, кометалар модда си қуёш системасидаги планеталар шаклланишидан авввалги бокира ҳолида сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам бу моддани, уннинг химиявий таркибини ўрганиш планеталарнинг вужудга келиш проблемасини, уларнинг кейинги эволюциясини ойдинлаштириши мумкин.

Қрим астрофизиклари бундан бир йил аввал кометани фото суратга опа бошлагандилар. Уша вақтларда объектнинг ёркинлиги ойсиз очиқ тунда кўз билан кўриш мумкин бўлганидан милион марта заиф эди. Комета тасвири туширилган ўнлаб негативлар олинди ва шуларга қараб уннинг аниқ вазияти белгиландн. Суратлар комета қуёшга яқинлашиб борган сайин унинг кўриниши ва қаттиқ жисмни қуршаб олган газ қобиғининг катталиги ўзгаришини кўрсатмоқда. Кометанинг кичикроқ думи кўзга ташланади.

Катта телескоплар ёрдами билан биринчи марта бизнинг мамлакатимизда моддасининг химиявий таркиби ва табиий ҳолати тўғрисида ахборот берувчи асосий манба ҳисобланган спектрлар олинди. Спектрларни дастлабки анализ қилиш жумладан кометанинг бошида цнан, қўшатомли ва уч атомли углерод, бошқа бир қанча элементлар борлигини кўрсатди. Олинган маълумотларни синчиклаб таҳлил этиш давом қилмоқда.

К. АПОШАНСКИЙ,
ТАСС мухбири.

• Маданият хабарлари •

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Зикир Муҳаммаджоновнинг номи кўпчиликка яхши маълум. Севимли санъаткор ўзининг ярим асрлик ижодий ҳаётида 200 дан зиёд ранг-баранг образлар яратган.

Унинг, айниқса, рус драматурги М. Шатровнинг «Олтинчи июль», «Революцион этюд», ўзбек драматурги К. Яшиннинг «Инқилоб тонги», «Йўлчи юлдуз» спектаклларида улуғ доҳийимиз В. И. Ленин образи, Уйғунниинг «Абу Райҳон Беруний» асаридаги ўрта аср олими, Уйғун ва И. Султонларнинг «Алишер Навоий» драмасидаги А. Навоий, О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси»даги Мирзо Улуғбек, СССР Давлат мукофоти лауреати, таниқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асаридаги Деҳқонбой роллари диққатга сазовордир.

Яқинда Зикир Муҳаммаджонов Андижон, Фарғона, Наманган областлари қишлоқ хўжалик ходимлари билан катта ижодий учрашувлар ўтказди.

Севимли санъаткор колхозчилар, совхоз ишчиларига ўзи яратган улуғ доҳий В. И. Ленин образидан монолог ва парчалар ижро этиб берди.

У иштирок этган кинофильмлардан баъзилари томошабинларга кўрсатилди.

Ижодий учрашувлар жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

АЁЛ ПОРТРЕТИ

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, икки кўзи ожиз ва бир қўлсиз кекса ҳайкалтарош Михаил Макаров шаҳримизда яшаб ижод қилаётир.

Унинг ижоди намуналари Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг республика тасвирий санъати бўлимидан муносиб ўрин олиб турибди.

Ҳайкалтарошнинг гипсда жонланган «Пахтакор», «Ҳамшира», «Пулемётчи», «Н. Островский», «Автопортрет» асарлари ҳаётийлиги билан томошабинларни ҳайратга солмоқда.

Куни-кеча ҳайкалтарош Михаил Родионович яна бир асарини музейга топширди. Буниси илгариги асарларига нисбатан анча пухта ишланган «Аёл портрети»дир. Аёлнинг нозик, юмшоқ табиати, беозор, гўзаллиги моҳирона тасвирланган. «Аёл портрети» ҳайкалтарош асарлари ёнидан жой олди.

М. АҲМЕДОВ.

• Бу фильмни кўрдингизми?

«Кумуш кўл афсонаси»

Картинанинг бош қаҳрамони Фарид Бокуда истиқомат қилади. Касби ноёб касблардан — гилам маҳсулотлари бўйича санъатшунос. Унинг кундалик ҳаёти воқеаларга бениҳоя бой, қизиқарли ишлари соатма-соат режалаштирилган бўлса-да, барибир ишга кеч келади, бетоб онасини бориб бемалол кўролмайди, унинг бепарволигидан қалби озор чеккан аёл муҳаббатини сезмайди..

Дўстлари билан автомобиль сайрида бўлган бир воқеа унинг одатдаги ҳаётига нуқта қўяди. Ушанда Фариднинг оғайнилари йўлда кетаётган бир йўловчи кўзига ҳазиллашиб машина фараларини туширадилар. Бениҳоя кучли ёруғликдан кўзи қамашиб кетган йўловчи йиқилади ва қимир этмай қолади...

Фариднинг дўстлари шаҳардан шошилинч чиқиб кетадилар. Фарид ҳам олис бир жойга командировкага кетади.

Тоғ бағрига жойлашган қишлоққа у шу тариқа келиб қолади ва машҳур гилам тўқувчи аёл Саида ва унинг қизи Лейли билан танишади..

Шаҳарлик йигит Лейлига бир зумда ёқиб қолади ва у ўз сирини — юксак тоғлар орасида яширинган Кумуш кўл сирини айтиб беради. Кўл томон олиб борилаётган бир йўловчи одамлар аллақачон унутиб юборишган. Ривоят қилишларича, ҳалол, қалби пок кишигина сув устидан бемалол ўта олар экан.

Фильм ижодкори Элдор Қулиев «Озарбайжонфильм» киностудиясининг етакчи режиссёрларидан биридир. У шу пайтгача «Бабек», «Қувончу бухтаси», «Низомий» картиналарини яратган. Бош қаҳрамон Фарид ролида актёр Эльдениз Расулов чиққан. Кенг томошабинлар оммасига у «Қувончу бухтаси», «Бабек», «Низомий», «Ёпиқ эшик олдида» номли фильмлари орқали яхши таниш.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТДА: шу фильмдан кадр.

...Олтин куз. Дарахтлар барги тилла рангда товланади. Оёқ ости ва йўлкалар тўла япроқлар. Сокин хиёбон бўйлаб бир аёл хаёл суриб келмоқда. Унинг боши узра япроқлар тангадек дув-дув тўкилади. Дайди шамол аёлнинг эрта оқ оралаган сочларини беозор тортқилайди. Япроқларни юз-кўзига келтириб уради, яна аллақайларга чирпиратиб учириб кетади.

«Сунбула!» орқадан кимдир чақирдек бўлди. У шошилиб ортига бурилди. Кимсасиз хиёбонда дарахт барглариннинг шитир-шитир тўкилишидан бошқа овоз ҳам йўқ. «Толиқибман, шекилли!» Аёл шундагина кун бўйи тик оёқда юриб, тўз тотмаганини эслади. Ўтириш учун холироқ жойдан скамейка қидириб, атрофга олазарак боқди.

Аёл беххтиёр яна шитоб билан узоқлашаётган вагонни, сочлари бир хил қиртишланган ўспирин йигитчаларни, шунча оломон ичидан ўзига тикилган бир жуфт чақнаган қора кўзни топди. «Элдор, ўғлим!» дея аёл ҳайқирмоқчи бўлди. Лекин овози чиқмади. «Ойи, ойижон!» Ғилдиракнинг тарақ-туруқ шовқини остида бу хитоб унга узоқдан эшитилган сасдай бора-бора оломон қий-чувига қўшилиб сингиб кетди. Сунбуланинг олдинга чўзилган қўллари ҳавода муаллақ бир дақиқа қимир этмай қолди.

У туш кўраётгандай бошини кескин силтади. «Умр мисли оқар сув, — ўз-ўзига гапирарди у. — Кечагина тўптош ўйнаб юрган қизча эдик. Кўз очиб юмгунча, мана ўғлим ҳам кап-катта йигит бўлиб қопти. Уни бугун Совет Армияси сафига жўнатдим. Бир вақтлар у жажжи чақалоқлигида худди шу вокзалдан отасини кузатгандим!..»

Сунбула бехтиёр чап биқинини ушлади, сўнг пешонасидаги чандиқни силади. Жароҳатлар битиб кетганди. «Лекин дил яраси-чи! Асло! Бу яра ҳаётимда кўланкадек эргашиб юради!»

...Ушанда қаҳратон қиш, тун ярмидан оққан эди. Сунбуланинг юраги ғаш, негаки эрининг қилмишидан қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ҳатто ота-онаси ҳам бу уйдан безиб кетишганди. Ҳеч ким кирди-чиқди қилмай қўйди. Сунбула шундай ўйлар гирдобида ўтираркан, ўзини ёлғиз ҳис этди. Дарвоза ёнига машина келиб тўхтади. «Содиқ ака-ми!» Аёл шошa-пиша кўча деразасидан ташқарига мўралади. «Йўқ, қўшнимиз Карим амаким тунги сменадан қайтдилар. шекилли». Сунбула девордаги осма соатга қаради. Соат милларн бирдан ошибди. У шу алпозда яна қанча ўтирганини билмайди.

• Иззатингдан айрилма

СУНБУЛАНИНГ АРМОНИ

Алламаҳал кўча эшикнинг қўнғироғи устма-уст қаттиқ жиринглади. Чўчиб уйғонди. Стулда ўтирган қўйи кўзи илинибди. Оёғига калишини илиб, дарвозага югурди. Бу орада Содиқ зўр бериб кўча эшикни тепарди. «Ҳозир!» аёл ичкаридан овоз берди. «Оч! Эшикни оч деяпман!» бақирди эркак. «Яна ичибди!» Аёл югуриб кетаётиб таққа тўхтади. «Наҳотки, кечагина маҳалла активлари олдида тилхат берувди-ку, ичмайман деб!»

— Сунбула, оч деяпман! — у оғзига келганини қайтармай сўкинар, дарвозани йиқитгудек тепардн.

— Очяпман, дадаси, — аёлнинг қўллари совуқданми, қўрқувданми дир-дир титрар, ҳадеганда эшик илгагини тополмасди. Қўшни ҳовлидаги ит шовқинидан безовталаниб ҳура бошлади. Аёл эшикни очди:

— Нега дарров очмадинг, ҳайвон! — Сунбула юз-кўзи аралаш тушган шапалоқдан довдираб қолди.

— Адаси, ичкарига юринг, уйда гаплашамиз, — қўшнилар олдида номус кучлилик қилиб эрининг қўлидан судраб уйга олиб кирди. Уларнинг шовқин-суронига Элдор уйғониб, йиғлай бошлади. Содиқ тўғри келган нарсани отар, чинни идишларни синдирарди. Тўс-тўполонга қўшнилар ҳам уйғонишди. Карим амакининг хотини:

— Бир кун тинчлик йўқ-а, бу уйда! — деб ўзича қарғаниб уйига кириб кетди.

— Сенми ҳали менинг маҳаллада обрўйимни тўкадиган, — Содиқ хотинига ўдағайларди. — Арз қилдингми уларга!

— Содиқ ака, қўйинг, эртага гапирарсиз, дам олинг, — Сунбула эрини ҳарчанд тинчлантиришга ҳаракат қиларди. — Эшитганлар нима дейди!

— Эшитсин, бор яна арз қил, йўқол кўзимдан, — у хотинининг тўғри келган жойига тепар, ҳақоратлар, таҳқирларди. Шу пайт жажжи Элдор чинқириб йиғлади. Қўрқувдан кўзлари ола-кула бўлиб онасига талпинди. Сунбула бор кучини тўплаб, эмаклаб ўғли томонга интилди.

— Ҳе, болангдан ўргилдим, — Содиқ бир зарб билан ўғлини қўлидан силтаб тортди. Аёл шахд билан ўғлидан турмоқчи бўлиб, бошини деворга урди. Бир зум бошн айланиб, кўзи тинди.

— Содиқ ака, болага тегманг! — ҳайқирди у.

— Мана сенга бола! — Содиқ кўзига қон тўлиб боланн бир четга отиб юборди. Хайриятки, Элдор диванннинг устига учиб тушди.

— А! Элдоо-р! — бу ҳайқириқ тун зулмат пардасини ёриб ўтиб, аксадо берганлек жаранглаб кетди. Боланнинг овозн бир дақиқа ўчиб қолди.

Сунбула вужудидан нафрат ёғилиб ўрнидан турди. Боланн бағрига босди. Содиқ ҳам нима бўлганини тушуниб етгандек, уй ўртасида сўрайиб турарди. Аёл ичкарига кириб нималарнидир йиғиштирар, боланинг кийимими, ўзиникими билмасди, «Кетаман! Кетиш керак. Кетиш!» Мияси ғув-ғув қилар, ҳеч нарсани англамасди. Ҳар куни шу аҳвол. Бу тўполон қўшнилар учун кундалик савдога айланганидан ҳатто ҳеч ким аралашмай ҳам қўйганди.

Сунбула биғиллаб ётган ўғлини бағрига босди, тугунни қўлига олиб, шитоб билан уйдан чиқди.

— Қайт орқангга! — ҳайқирди Содиқ хотининнинг қўлидан силтаб тугунни тортаркан. Тугун ечилиб, ичидаги нарсалар йўлакка сочилиб кетди. Яқиндагина ўғлига совға қилиб олиб берган, ҳаракатланса овоз чиқарадиган айиқча қоронғида қаергадир отилиб, асабий овоз чиқариб, тинмай жиринглади... Аёл эрини куч билан итариб юборди. Содиқ гандираклаб ҳовли ўртасига ўтириб қолди. Сунбула кўча дарвоза томон шошилди.

— Сенга айтаяпман, қайт! — Содиқ қоронғида ниманидир қидириб айвонга чиқди ва тезда ортига қайтиб хотининнинг кетидан икки ҳатлаб етиб олди. — Ўлдираман, қайт орқангга!!

Дарвоза томондан қўшниларнинг овози эшитила бошлади. Сунбула кўча дарвоза илгагини тимирискиларкан, Содиқ орқасидан етиб келганини сезмай қолди. Кутилмаганда аёл биқинига санчилган пичоқ зарбидан ўзини ўнглай олмай чўкалаб йиқилди... У шунда ҳам боласини бағридан қўймас, зўр бериб кичкинтойини ҳимоя қиларди... Хайрият, ўшанда бир ўлимдан омон қолди.

Сунбула хаёл оғушидан худди туш кўраётгандек эди. Ҳа, қўрқинчли туш! Йўқ, бу туш эмас. Бу ҳақиқат— аёл ўтган умрининг ўша ўчмас из қолдирган яраси эди.

Аёл ўрнидан турди. Йўлка бўйлаб япроқларни шитир-шитир босиб бораркан, аллақайдан ҳазин, мунгли бир мусиқа элас-элас қулоғига чалинди. Бу унинг дил қатида чалинмай қолган ўша мунгли, ҳазин армон куйи эди.

Санда ЙЎЛДОШЕВА.

• Оммавийликдан — маҳорат сари

ЖИДДИЙ СИНОВ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган XIII шаҳар спорт ўйинлари ниҳоясига етмоқда. Республикамиз пойтахтининг ёш атлетлари спортининг йигирмадан ортиқ турида мусобақалашдилар. Бир неча баҳсларда юксак натижалар қайд этилди. Бу физкультура коллективларн ва кўнгилли спорт жамиятларида яхши спортчилар етишиб келаётганидан далолат бермоқда. Бугун биз ёшлар ўртасида шаҳар биринчилиги учун бўлган баъзи бир мусобақалар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Гиламда — дзюдочилар

XIII шаҳар спорт ўйинлари программасининг ёш дзюдочилар баҳси «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти спорт залида бўлиб ўтди. Беллашувлар икки ёш тоифасида бўлди. Катта ёшдагилар ўртасида бўлган умумкоманда баҳсида турнир мезбонлари — темир йўлчи дзюдочилар ғолиб чиқишди. Совринли иккинчи ўринни «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти вакиллари қўлга киритишди. Учинчи ўринни эса «Динамо» спорт жамияти дзюдочилари эгаллашди. Кичик ёшдаги дзюдочилар ўртасида ҳам темирйўлчилар биринчи бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринлар «Динамо» ва «Меҳнат» командаларига насиб этди. Шахсий ҳисобда мутлақ вазн тоифасида В. Постков («Локомотив»), 95 килограммгача вазн тоифасида тошкентлик армиячи А. Демиякидис ва 65 килограммгача вазн тоифасида Б. Сегизбоев («Меҳнат»)лар ғолиб чиқишди. Улар катта ёшдагилар группасида беллашдилар. Кичик ёшдагилар группасида 57 килограммгача вазн тоифасида динамочи Р. Гайфулин, 75 килограммгача вазн тоифасида И. Мидигулов («Локомотив»), 45 килограммгача вазн тоифасида С. Зверев («Динамо») ва 49 килограммгача вазн тоифасида Т. Носиров («Ёш куч»)лар ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Ёш дзюдочиларнинг мусобақалари спортчиламизнинг спортни-анча мураккаб бу турининг кураш усулларини пухта эгаллаганлари ва жисмонан тайёргарликлари яхши эканлигини кўрсатди.

Гимнастлар мавсумни якунлашди

Бадиий гимнастика бўйича шахсий-умумкоманда баҳслари республикамиз пойтахтининг «Динамо» стадиони ёпиқ теннис кортларида ўтди. Шаҳримизнинг энг кучли бадиий гимнастика вакиллари учун мазкур мусобақа бу йилдаги охирги синов бўлди. Бу гўё гимнастикачиларнинг ўтган спорт мавсумига якун ясаб, уларнинг маҳоратлари қанчалик юксалганини имтиҳон қилди. Ёш гимнастларнинг кенг ва шинам теннис кортларида бўлган беллашувлари ғоятда қизиқарли ҳамда кескин кураш остида ўтди.

Стартданоқ пешқадамликни «Пахтакор» кўнгилли-спорт жамияти вакиллари қўлга олишди. Улар мусобақа якунланишигача пешқадамликни қўлдан бой бермадилар ва умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Беллашувларда «Буревестник» кўнгилли-спорт жамияти ёш гимнастлари ҳам маҳоратларининг янги қиррларини намоён этишди. Натижа ҳам ёмон бўлмади. Фахрли иккинчи ўрин. Совриндорлардан анча ортда қолган «Спартак» қизлари учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Шахсий ҳисобда ҳам ўзаро баҳслар мураосиз кураш остида ўтди. Катта ёшдаги қизлар ўртасида мутлақ кўп курашда «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти вакили спорт мастери Елена Холодова ғолиб чиқди. У 55, 95 балл тўпладн. Спартакчи Ирина Лизунова 55, 75 балл жамғариб ундан кейинги ўринни эгаллади. Кўпкурашда 55, 65 балл тўплаган «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти вакили спорт мастери Татьяна Каверкина фахрли учинчи ўринга кўтарилди.

Кичик ёшдаги қизлар ўртасидаги баҳсларда ҳам «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти гимнастларининг қўллари баланд бўлди. Биринчи ўринни 53, 65 балл тўплаган Елена Чимилева эгаллади. Унинг командадоши Ф. Абдураҳмонова 52, 10 балл жамғариб иккинчи ўринни қўлга киритди. Мутлақ биринчиликдаги совринли учинчи ўрин уларнинг командадоши — 51, 05 балл тўпланган Наташа Пархоменкога насиб этди.

Кўпкурашнинг бошқа турларида спорт мастери Елена Холодова («Буревестник»), Елена Бурая («Пахтакор») ва Асия Хабибуллина («Меҳнат») лар биринчи бўлишди.

Бу мусобақалар 1986 йили Кишиневда ўтадиган спартакиадаси олдидан Ўзбекистон терма командасига пойтахтнинг энг кучли ёш спортчиларини аниқлашда йирик синов босқичи бўлди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
20 ДЕКАБРЬ, 1985 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ВЕНГЕР ГЕОЛОГЛАРИ ҲИССАСИ

БУДАПЕШТ. Венгрия геологлари мамлакат шимоли-шарқидаги Боршот кўмир ҳавзасидан истиқболли кўмир конлари топдилар. Бу районда кўмир қатламларининг қалинлиги 3—5 метрга боради. Венгриянинг ер бағри разведкачилари республика ёқилғи-энергетика базасини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу ўн йилнинг ўзидагина уларнинг куч-ғайратлари, шунингдек совет ҳамкасбларининг ёрдами туфайли мамлакатда разведка қилинган янги кўмир конларининг умумий ҳажми салкам бир ярим миллиард тонна чамаламоқда.

Бу йил Венгрия территориясида разведка қилинган боксит запаслари ҳажми беш миллион тонна кўпайди. Мамлакат геологлари алюминий ишлаб чиқариш учун қимматли хом ашё янги конларини разведка қилишда эришган муваффақиятлар шунга имкон берди. Разведка қудуқларини пармалаш йиллик планн ошириб бажарилганлиги натижасида учта янги шахтани лойиҳалаш асослари тайёрланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида кооперациялаш ва ихтисослаштириш асосида алюминий саноатини ривожлантиришга доимий эътибор берилаётганлиги Венгриянинг боксит қазиб чиқариш соҳасида Европада учинчи ўринга кўтарилишига имкон берди. Иккала мамлакатнинг кўп йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлиги доирасида Венгрия хом ашёсидан алюминийнинг талайгина қисми СССРда қуйилмоқда.

Дунё шаҳарлари ва пойтахтларида

ПХЕНЬЯН. Нампхо шаҳридаги шиша заводининг коллективи маҳсулот хилини муттасил кенгайтириб бормоқда. Бу ердан ҳар куни республиканинг барча томонларидаги истеъмолчиларга минг хилдан зиёд маҳсулот жўнатиб турилади.

Илгари фақат ойна ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган КХДР шиша саноатининг бу тўнғич корхонаси ҳозирги вақтда шишадан хилма хил идишлар, совға ва безак буюмлари ишлаб чиқармоқда. Мединклар билан олимларга жуда манзур бўлаётган медицина ускуналари ва оптик приборлар юксак сифатлилиги билан ажралиб туради.

Завод барпо этилган вақтдан буён тармоқдаги ўнлаб янги корхоналарга ўз позициясини бўшатиб бериши бир ёқда турсин, балки у меҳнатни моҳирона ташкил этиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати жиҳатидан намуна ҳам бўлмоқда. Кадрлар билан эътибор бериб ишлаш шунга кўмаклашмоқда. Заводда ташкил этилган олий техника ўқув юрти, техникум юқори малакали инженер-техник ходимлар ва безакчи рассомлар тайёрламоқда. Ҳозир корхонадаги меҳнатчиларнинг тўрт дан бир қисмидан кўпроғи олий ва ўрта маҳсус маълумотли мутахассислардир.

***

ТОКИО. Япониянинг Киото шаҳрида тинчликсевар, демократик ва прогрессив кучларни бирлаштириш учун кураштувчи миллий кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари Накасонэ ҳукуматининг Японияни Вашингтоннинг ядровий стратегиясига тобора жалб этишга қаратилган сиёсатини кескин танқид қилдилар. Улар Япония — Америка «хавфсизлик шартномаси» мавжудлиги ҳамда Япония АҚШ билан қалин ҳарбий ҳамкорлик қилаётганлиги ядро қуролини тақиқлаш ва уни батамом тугатиш йўлидаги тўсиқ эканлигини айтдилар.

***

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия пойтахти икки ёшгача бўлган болалар энг кўп тарқалган юқумли касалликларга қарши оммавий равишда эмланган Африкадаги биринчи катта шаҳар бўлиб қолди. БМТ болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг Эфиопиядаги вакили Р. Падмини бу ерда шуни маълум қилди. Умана шу компанияни муваффақиятли ўтказишда Эфиопия ишчи партияси шаҳар комитетининг, жамоат ташкилотларининг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида қайд этиб ўтди. Эфиопия пойтахтида жами салкам 90 минг бола эмланди. Ҳозирги вақтда кўпгина чиқиндан зарар кўрган районлардаги болалар эмланмоқда, деди ЮНИСЕФ вакили.

ШАРТНОМАНИНГ ШАРОФАТИ

УЛАН-БАТОР. СССР билан МХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида бундан 40 йил муқаддам имзоланган шартнома, шунингдек, МХР билан СССР ўртасида 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш узоқ муддатли программаси иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш негизидир, деб ёзади «Унэн» газетаси.

Осиёда энг катта «Эрдэнэт» кон бойитиш комбинати, «Монголсовцветмет» қўшма интернационал корхонаси, барпо этилаётган янги ёқилғи-энергетика комплекслари, бутун-бутун саноат районлари, қўриқ ерлардаги давлат хўжаликлари, ирригация системалари — уларнинг ҳаммаси самарали монгол-совет ҳамкорлигининг яққол далилидир. Кейинги йигирма йилнинг ўзидагина Монголияда Совет Иттифоқининг ёрдами билан 600 тадан кўпроқ халқ хўжалиги объекти ишга туширилди. Ана шу корхоналар жами саноат маҳсулотининг қарийб ярмини ишлаб чиқармоқда.

Газета ҳар томонлама ҳамкорлик иккала мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бир-бирига тобора яқинлашиш йўлини очмоқда, деб таъкидлайди. Узоқ муддатли программа МХРда социализмнинг моддий-техника базасини барпо этишни ниҳоясига етказишда ва мамлакатни ривожланган индустриал аграр давлатга айлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бугунги кунда Папуа-Янги Гвинея аҳолиси катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Оддий халқ машаққатли турмуш кечиришга мажбур бўлаётир.

СУРАТДА: Асаро-вэли қишлоғида туристлар учун мўлжалланган совғалар билан савдо қилувчи.

АНТИҚА ЖАЗО

Рио-де-Жанейро шаҳрининг йўл полициясн ҳаракат қоидаларини бузган автомашина ҳайдовчиларига нисбатан ғалати жазони қўлламоқда. Тақиқланган жойга ўз транспортини қўйган ҳайдовчиларнинг машиналари ойнасига «Бу ерда туриш ман этилади» деган катта ёзув ёпиштириб қўйилади. Ўта ёпишқоқ елим билан олдингги ойнага ёпиштирилган қоғозни қириб ташлаш учун ҳайдовчи кам деганда бир соатча вақтини йўқотади. Жазолашнинг бу усули ўз самарасини бермоқда. Илгари жарима тўлашдан ҳайиқмаган ҳайдовчилар янги жазолаш усулидан ўлгудек чўчишаётир.

ЭНГ АРЗОН МУТАХАССИС

Бугунги кунда атроф-муҳитнинг қанчалик ифлосланганлигини турли йўллар билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун энг қимматбаҳо, замонавий асбоб-ускуналар қўлланилмоқда. Аммо японияллик ишбилармонлар бунинг ҳам осон ва арзонга тушадиган йўлини кашф этишди. Шу мақсадда «ҳидловчи мутахассис» йирик завод ва фабрикалар жойлашган районларни айланиб чиқади. Иш вақти давомида улар ҳидлаб, ҳавонинг қанчалик ифлосланганлигини осонгина аниқлаб, кун охирида қилинган ишлар бўйича ҳисобот ёзиб беришади. Бу оддий ва арзон усулдан ҳамма мамнун. Чунки оммавий ишсизлик авж олган айни шу кунларда ана шундай вазифанинг бўлиши катта гап.

Очиқ ҳаводаги музейлар

Индонезиянинг пойтахти Жакарта шаҳри яқинидаги очиқ ҳавода ташкил этилган миттн музейлар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Бундай музейларда маҳаллий аҳолининг турмуш билан боғлиқ бўлган кўплаб материаллар тўпланган. Музей экспонатлари орасида ер юзидаги энг катта орол ҳисобланган мамлакат туб аҳолисининг этник, маиший, маданий ҳаётига оид ўтмиш тасвирланган кўпгина музей павильонлари маҳаллий аҳоли яшаган кулбалардан иборатдир.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

20 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«ЦИРКДА АРЧА»

КАТТА ЭРТАК

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

СИЗ АЖОЙИБ ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ: ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ҚАРОҚЧИЛАР, ЖОДУГАР КАМПИР, САҲОВАТЛИ ЁШЛАР, СЕҲРЛИ АФСУНГАР БИЛАН УЧРАШАСИЗ.

Валентин Иванов раҳбарлигидаги ЎРГАТИЛГАН МАЙМУН (шимпанзе)лар аттракциони.

Томошалар:

21 декабрь — соат 13, 16, 19.30 да.
22 декабрь—соат 10,13,16,19.00 да.
23,24 декабрь—соат 13,16,19.30 да.
25,26,27 декабрь—соат 10,13,16,19.00 да.
28,29,30 декабрь—соат 9.30, 12.00, 17.00, 19.30 да.
31 декабрь—соат 9.30,12.00, 14.30,17.00 да.
1986 йил
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 январь соат 9.30, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Томошаларга коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Қишлоқ районларидан келган томошабинларга навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Томошабинлар учун циркда такси заказ қилиш столи ташкил этилган.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Тошкент шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармаси сизлар учун байрам арафаси ва Янги йил байрами кунларида қуйидаги қулайликларни ташкил этди:

26 дан 31 декабргача соат 9.00 дан бошлаб ҳар куни Ф. Дзержинский номли майдонда кулинария неъматлари ва гўшт, балиқ, парранда, сабзавотдан тайёрланган хом масаллиқлар, кондитер ва хамир неъматлари, сомсабоп хамир, ачитилган ва хамиртуруш қўшилган хамир маҳсулотларини сотувчи савдо кўргазмаси ўтказилади.

АНА ШУ КУНЛАРДА РАЙОНЛАР САБЗАВОТ ЯРМАРКАЛАРИДА ҲАМ БУНДАЙ САВДО КЎРГАЗМАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:

Бу савдо кўргазмалари Юнусобод массиви, Трактор заводи, «Зеленый», Қорақамиш массиви, «Сергели-4», Октябрь, Тўқимачилик комбинати олди, Фарҳод кўчасидаги бозорларда ишлайди.

29 ДАН 31 ДЕКАБРГАЧА ҲАР КУНИ СОАТ 12.00 ДАН БОШЛАБ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТЕАТР МАЙДОНИДА ИШЛАЙДИГАН КУЙБИШЕВ, КИРОВ, ЛЕНИН, ФРУНЗЕ ОШХОНАЛАР ТРЕСТЛАРИ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИНИНГ ЎНТА РЕСТОРАНИ ИШТИРОКИДА КОНДИТЕР НЕЪМАТЛАРИ — ТОРТЛАР, ПИРОЖНИЙЛАР, ПЕЧЕНЬЕЛАР, ҲАМИРЛИ ПИРОГЛАР, ПИРОЖКИЛАР ҲАР ХИЛ МАСАЛЛИҚ СОЛИНГАН РУЛЕТЛАР, ГЎШТ, БАЛИҚ, САБЗАВОТ, ХАМИРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ХОМ МАСАЛЛИҚЛАР, КУЛИНАРИЯ НЕЪМАТЛАРИ—ПИШИРИЛГАН, ҚОВУРИЛГАН ГЎШТ, РУЛЕТ, ПИШИРИЛГАН ТОВУҚ ГЎШТИ, КИЕВЧА КОТЛЕТ, ҲАР ХИЛ БИТОЧКИЛАР, ШНИЦЕЛЛАР, РАНГ-БАРАНГ САЛАТЛАР, ВИНЕГРЕТЛАР, РАНГ-БАРАНГ ТАНСИҚ ТАОМЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ БАЙРАМ ОЛДИ КЎРГАЗМАЛАРИ ИШЛАЙДИ.

ШУНИНГДЕК БУНДАЙ КЎРГАЗМАЛАР

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА — **«Москва» меҳмонхонаси олдида;**
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДА — **Агрегат заводида;**
ЛЕНИН РАЙОНИДА — **Қўйлиқ-1 массивидаги савдо марказида;**
ФРУНЗЕ РАЙОНИДА — **Шота Руставели кўчасидаги савдо марказида;**
КУЙБИШЕВ РАЙОНИДА — **Пушкин кўчасидаги «Болалар дунёси» универмаги олдида;**
ҲАМЗА РАЙОНИДА — **«Звезда Востока» кинотеатри ёнида;**
ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДА — **«Чилонзор» савдо марказида;**
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДА — **«Шуҳрат» магазинида;**
СЕРГЕЛИ РАЙОНИДА — **Сергели-2 массивида;**
КИРОВ РАЙОНИДА — **Юнусобод массивидаги универсам атрофида ҳам**
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

20 декабрдан бошлаб шаҳарнинг ресторанлари ва кафеларида корхоналар, ташкилотлар раҳбарларидан, якка кишилардан турли маросимларни ўтказиб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилинади.

31 декабрдан «Зарафшон», «Тошкент», «Россия», «Дилбар», «Чилонзор», «Баҳор», «Фестиваль» ресторанларида янги йил тантанали кутиш зиёфатлари ўтказилади.

Олдиндан таклиф билетларини сотиш ташкил этилган.

1986 йил 1 январдан бошлаб «ЗАРАФШОН», «ТОШКЕНТ», «ЧИЛОНЗОР», «БАҲОР» «ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНЛАРИДА «ХУШ КЕЛИБСИЗ» ОИЛАВИЙ ЗИЁФАТЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Барча кулинария магазинларининг иш куни байрам арафаси кунларида бир соат узайтирилган.

Тошкент шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармаси.

ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИГА АТАБ

АЙНИҚСА ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИГА АТАБ ҲАВАС БИЛАН ТИКТИРИЛАДИГАН БАШАНГ КЎЙЛАКЛАРДА ТАЛАЙ МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК КЎРСАТИШ МУМКИН.

Сизнинг кўпчилигингиз романтик услубдаги либосларни манзур кўрасиз. Улардаги бантиклар, воланлар, кўкрак бурмалар, «халқчил безаклар» —каштачилик, тўр тўқима ўзига хос гўзал бўлиб кўринади. Жилетлар, комбинезонлар билан муштарак бўладиган кўйлаклар кишини тўла-тўкис қилиб кўрсатади. Бу либосларнинг юқори қисми кўйлак тарзида, пастки қисми эса шим, шаровар, галифе услубида тикилади.

Байрам либосларида ранглар жилоси ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир. Айниқса жигарранг ва табиий рангдаги шунингдек қаймоқ ранг, кулранг тусдаги кўйлаклар кишининг жамолини баркамол қилади. Аввалдагидек оқ ва майин тусли, сут рангли либослар пешқадамлик қилмоқда. Улар бошқа ранглар билан муштарак бўлиб кўринади.

Ранг-баранг газламалар орасида ацетат шойини танлаш мумкин. Бу кўпинча байрамбоп янги либосларни тиктиришда жуда қўл келади.

Бу газлама ўзининг рангини ва шаклини яхшигина сақлаб қолади. У жозибали чоклар ва қат-қат жим-жималар билан гўзал оҳанглашади.

Байрам либосларининг сўнгги, мажбурий безаклари — булар матодан тикилган гул, чиройли шол рўмол, тўқима белбоғ, шарфдир. Булар либосларни ғоятда башанг қилиб кўрсатади.

СИЗЛАРНИ «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

6 — Марказ 14, Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти;
8 — Муқимий кўчаси, 21-уй;
5 — Фарҳод ярмаркаси:
10 — Олой бозори;
15 — Қорақамиш массиви 2/4.
43 — Марказ 5 квартали, Ленин проспекти, 67-уй;
47 — Новомосковская кўчаси, 18-уй;

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

5 ВА 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Битирувчиларга шаҳарнинг йирик савдо магазинларига ишга йўлланмалар берилади ва Совет савдоси техникумига ўқишга кириш учун имконият яратиб берилади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй (20, 34, 50, 54, 70, 75, 79-автобуслар; 6, 11, 12 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» бекати; метронинг «Чилонзор» станцияси). Ўқув қисми телефони 76-39-54.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ

1985 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН 1986 ЙИЛ 10 ЯНВАРГАЧА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ШАҲАРНИНГ ТУРЛИ ТАШКИЛОТЛАРИГА БОРИБ

«АРЧА АТРОФИДА ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТЛАР»

ЯНГИ ЙИЛ ШАҲАР АРЧА БАЙРАМИ ТОМОШАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Билетлар боғнинг кассаларида сотилмоқда.

Пул ўтказиш йўли билан билетлар сотиш учун ташкилотлардан буюртмалар қабул қилинмоқда.

Режиссёр-постановкачи — Бутуниттифоқ оммавий ўйинлар ва театрлаштирилган томошалар фестивалининг лауреати В. Болотин.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй. Телефонлар: 45-35-60, 43-37-54.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводига қарашли

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 йил учун

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

программали бошқариладиган станокларда ишловчи токарлар, ўчиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, дипломли газ-электр пайвандловчи, техник назорат бўлими контролёри, электр ускуналарини ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича электромонтёр, электр кўприкли кран машинисти. 15 ёшдан ошганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил.

Металлар бўйича токарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, электр кўприкли кран машинисти, электр пайвандловчи, техник назорат бўлими контролёри (бу касбга асосан қизлар қабул қилинади), **17 ёшдан ошганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—бир йил;**

Машинада қолиплаш қолипловчиси, 17 ёшдан ошганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 10 ой.

100 сўм стипендия берилади.

Ўқишга 8-10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 маҳал исеиқ овқат, кўчалик ва иш кийими, ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида иш ҳақининг 50 процентини билан таъминланади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

Бир йил муддатли ўқишга қабул қилинганлар 65 сўм миқдорида стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида техника ижодкорлиги, радиоҳаваскорлик, фото, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, вокал-чолғу ансамбли фаолият кўрсатади. Секциялар ишлаб турибди. Ёзги таътил пайтида ўқувчилар «Чимган» лагерига ва Ватанимизнинг қаҳрамон шаҳарлари бўйлаб бошқа туристик саёҳатларга чиқадилар.

Билим юртини битирганлар институт ва техникумларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, таржиман ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Содиқов кўчаси, 6-уй (4,5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати; 3,22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекати. Телефон 35-61-30.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

1985-86 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **контролёр-кассир ва саноат моллари сотувчиси, барча ихтисосдаги озиқ-овқат моллари сотувчилари.**

Ўқишга 17-25 ёшдаги ўрта маълумотли кишилар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати—6 ой.

саноат моллари кичик сотувчиси ва озиқ-овқат моллари сотувчиси. Тўлиқсиз ўрта маълумотли 15—25 ёшдаги шахслар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати—8 ой.

Декоратор—безакловчи. Ўқиш муддати—2 йил. Ўрта маълумотлилар қабул қилинадилар.

Контролёр-кассир, сотувчилар ва кичик сотувчилар группаларида таълим олувчиларга ойига 54 дан 64 сўмгача стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА КЎРА БОШЛАНАДИ.

Ўзбекистон ССР шаҳарларида истиқомат қилувчи кишилар ўқишга қабул қилинадилар ва уларга ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ишлаб чиқариш таълими (практика) **Тошкент шаҳрининг энг яхши савдо корхоналарида ўтказилади.**

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, 286-формали медицина справкаси, таржимаи ҳол, 6 дона фотосурат (3х4 см.). характеристика.

Адрес: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Чилонзор массиви, Бобур кўчаси, 2-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник шифохонаси» бекати), 4,9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати). Телефон 78-44-30.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Корсар**, 21/XII да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Отелло**, 21/XII да **Куёв.**

КИНО

20 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БАГРАТИОН» — **Санъат саройи** (катта зал, 17, 20.00; телефонлар: 44-21-34, **Нукус** (17, 20.00; телефон 44-31-44, 44-21-74), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 46-70-69).

«БЎРИ УЯСИ» (ўзбек тилида) — **Санъат саройи** (кичик зал 17, 19.30).

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАР САРИ» — **К. Ерматов номли** (17, 20.00; телефон 24-22-66).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Ватан** (21.30).

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ ҚИЗЛАР» — **Москва** (тоқ соатларда).

«ҚАРШИ ЗАРБА» — **Искра** (18, 20.00; телефон 39-14-59).

22 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БАГРАТИОН» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефонлар 44-21-34, 44-21-74), **Чайка** (11, 14, 17, 20; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 14, 17, 20.00; телефон 46-70-69), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«БЎРИ УЯСИ» (ўзбек тилида) — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАР САРИ» — **К. Ерматов номли** (11, 14, 17, 20; телефон 24-22-66).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда телефон 33-44-52), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Ватан** (21.30).

«ҚАРШИ ЗАРБА» — **Искра** (12.30, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг математика ҳамда амалий математика ва механика факультетлари қошида

8-10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

МАТЕМАТИКА ТЎГАРАГИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ.

Машғулотлар якшанба кунлари соат 10.00 дан бошлаб университетнинг математика факультетида олиб борилади.

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ 22 ДЕКАБРДА Г-303 АУДИТОРИЯДА ЎТКАЗИЛАДИ. ТЎГАРАККА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«Главташкентстрой» «Строймеханизация» трестининг

2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

минорали кран машинистлари тайёрлайдиган

4,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар рус тилида, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўтказилади.

Стипендия — 75 сўм.

18 ёшдан ошган қизлар ва Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Жанубий-Ғарбий саноат зонаси (метронинг «С. Раҳимов» станцияси, 122, 103-автобусларнинг «7-автопарк» бекати).

ТВ

ЖУМА

20 ДЕКАБРЬ

● МТ I

17.50 «А. Гайдар қаҳрамонлари —экранда». «Ҳарбий сир».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари.
19.45 «Ҳаётимиз программаси». КПСС МК лойиҳаларини муҳокама қиламиз. КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг ўринбосари К. Н. Брутенц сўзи.
20.10 Мультфильм.
20.20 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп серияли телефильм премьераси. «Искра»дан...» туркумидан. 1900—1907 йиллар. 3-фильм—«Самодержавиега қарши кураш».
21.30 «Время».

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

20 ДЕКАБРЬ, 1985 й.

22.05 «Салют, фестиваль!» кўрсатуви саҳифаларида.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Тунис қўшиқлари ва рақслари».
19.15 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи.
19.45 Ҳужжатли фильм.
20.15 М. Глинка. «Тугалланмаган соната».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Оғир атлетика бўйича СССР чемпионати ва кубоги.
21.30 «Время».
22.05 «Эртак ҳақида ўйлар». Телефильм.
22.20 «Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. Финляндия — Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қария», «Сеҳргар темирчи». Мультфильмлар.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади».
19.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Саволларингизга жавоб берамиз». Узбекистон телевидениеси халқаро шарҳловчиларининг Тошкент область Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози меҳнаткашлари билан учрашуви.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «042 қаерда?» Бадиий фильм.
19.20 «Қирғовуллар». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ритмик гимнастика.
20.05 «Параллел чанғилар». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Витим қирғоғи». Телефильм.
21.00 «Яхши кайфият хизмати» (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА

21 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 МТ ва БР электр чолғу асбоблари оркестри чалади.
10.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.00 Телефильмлар XI Бутуниттифоқ фестивалининг совриндор фильмлари. «Болдино бедорлиги».
11.50 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. ЮНЕСКО программаси: «Дунай бўйи мамлакатлари фольклори».
12.20 «Вақти келди». Телефильм.
13.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.40 Халқ қўшиқлари ижрочилари III Бутунроссия конкурсининг якунловчи концерти.
14.55 «Дунё воқеалари».
15.10 «Янги номлар». Ф. Шопен номли пианиночилар халқаро конкурсининг лауреатлари.
16.15 «Фан ва техника». Киножурнал.
16.25 «Шимол кундалигидан».
17.00 «Ҳайвонот оламида».
18.00 «Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. Канада—Финляндия терма командалари.
20.20 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Бергамолик Труффальдино». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Агар соғлом бўлай десанг». Чанғилар. 2-кўрсатув.
22.20 «Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. СССР—ЧССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Тонгги почта».
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 УКРАИНА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Стадион ҳамма учун».
13.30 «Қишлоқ». Телефильм.
14.25 Оғир атлетика бўйича СССР чемпионати ва кубоги.
15.05 Болалар учун фильм.
15.55 «Здоровье».
16.40 «Туғилиш». Бадиий фильм. 1 ва 2-серилар.
20.00 «Оқшом тароналари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Теннис. Дэвис кубоги. Финал. ГФР — Швеция терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 Г. Мамлин. «Июнь, Москва, Чертаново». Телеспектакль.

● ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар».
8.00 «Салом, кичкинтойлар!» Мультфильм.
8.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
8.30 «Ахборот».
8.50 «Машинист». Телефильм.
9.00 Москва. «Время».
9.40 Ёш олимлар телеклуби.
10.00 «Кинопублицист экрани».
10.45 «Узбекистон спорти» (рус.).
11.15 «Сиз севган қаҳрамонлар». Болалар учун кинокўрсатув.
12.15 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
13.05 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.45 «Тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан». КПССнинг программ ҳужжатларини муҳокама қиламиз.
19.00 «Ота-оналар куни». Қисқа метражли бадиий фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Назм ва наво». Нодира лирикаси (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Назм ва наво». Нодира лирикаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона, аҳил оилада». Грузия ССР.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.15 «Салют, юбилей!»
18.50 Реклама.
19.00 «Новости».
19.20 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.30 «Менинг номим — комсомол». Тожикистон комсомолининг 60 йиллигига бағишланади.
20.30 «Ахбор».
20.50 «Сўғдиёна» вокал чолғу ансамблининг концерти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—14145. А—2291. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.